

مرتبي: ش. أحمر

مئة وواحد حديث

(101 ҳадис)

Араб тилидан

Анвар Аҳмад

таржимаси

Тошкент

2016–йил

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

قال رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ...

مَنْ حَفِظَ عَلَيَّ أُمَّتِي أَرْبَعِينَ حَدِيثًا مِنْ سُنَّتِي أَدْخَلْتُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فِي شَفَاعَتِي.

(ابن عساکر عن أبي سعيد الخدري)

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар...

"Умматимдан қайси киши суннатимдан қирқта ҳадисни ёд олса қиёмат кунда уни шафоатим остига киритаман".

1 – طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.

(رواه إمام أبي حنيفة في مسنده عن أنس بن مالك، والطبراني عن عبد الله بن مسعود)

1. "Илм изламоқ ҳар бир мусулмонга фарздир".

(Имом Абу Ҳанифа муснадида Анас ибн Моликдан ва Табароний Абдуллоҳ ибн Масъуд Розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган.)

Шарҳ: Исломда ўзининг билмаган нарсасини билишга ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлга учун буюк вазифадир. Кимда-ким шу вазифани адо этмаса қиёматда қаттиқ жазога йўлиқади.

2 – أُطْلُبُوا الْعِلْمَ وَلَوْ بِالصَّيْنِ، فَإِنَّ طَلَبَ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.
(رواه البيهقي عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ).

2. "Илмни Хитойдан бўлса ҳам бориб олинглар, чунки илм излаш ҳар бир мусулмонга фарздир".

Байҳақий Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилган.

Шарҳ: йўлнинг узоклигига, халқнинг хато бир динда бўлишига қарамай илмни қаерда топсангиз ўша ердан олинг дейилмоқчи.

3 – أُطْلُبُوا الْعِلْمَ مِنَ الْمَهْدِ إِلَى اللَّحْدِ.

3. Илмни бешиқдан то қабрга қадар изланглар!

Шарҳ: Мен қаридим, менинг вақтим ўтди, деб ҳеч бир вақт айтиб бўлмайдди. Инсоннинг энг охириги нафаси қолгунча билимсизликни кетказишга ҳаракат қилиши зарур.

"Илмни бешикдан то қабрга қадар изланглар", деб айтилган бу сўз ҳикмат бўлиб, имом Термизийдан ривоят қилинган уни тўлдирувчи қуйидаги ҳадис бор:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Мўмин кишининг охирги борадиган жойи жаннат бўлмагунича ҳаргиз яхшиликка тўймайди", деб айтганлар.

4 – طَلَبُ الْعِلْمِ سَاعَةٌ خَيْرٌ مِنْ قِيَامِ لَيْلَةٍ وَطَلَبُ الْعِلْمِ يَوْمًا خَيْرٌ مِنْ صِيَامِ ثَلَاثَةِ أَشْهُرٍ.
(أبو نعيم عن ابن عباس، أخرجه أيضاً الديلمي)

4. Илм талабидаги бир соат тунни бедор ўтказгандан яхшироқдир. Илм йўлидаги бир кун уч ой рўза тутмоқдан хайрлироқдир.

5 – طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ، وَإِنَّ طَالِبَ الْعِلْمِ يَسْتَعْفِرُ لَهُ كُلَّ شَيْءٍ حَتَّى الْحِيتَانُ فِي الْبَحْرِ.
(رواه ابن عبد البر عن أنس)

5. Илм излаш ҳар мусулмонга фарздир. Илм изловчи киши учун ҳар бир нарса, ҳатто денгиздаги балиқ ҳам мағфират тилар.

6 – "فَضْلُ الْعِلْمِ أَفْضَلُ مِنَ الْعِبَادَةِ، وَمَلَكَ الدِّينِ الْوَرَعُ".

(رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ)

6. Илм (нафл) ибодатдан афзалдир. Диннинг асоси парҳезкорликдир.

7 – "فَضْلُ الْعِلْمِ أَحَبُّ إِلَيَّ مِنْ فَضْلِ الْعِبَادَةِ، وَخَيْرُ دِينِكُمْ الْوَرَعُ".

(رواه البيهقي في شعب الإيمان)

7. Илмнинг фазилати мен учун (нафл) ибодатнинг фазилатидан суюклироқдир. Динларингизни яхшиси парҳезкорлик, яъни ҳаром бўлган нарсалардан сақланмоқдир.

8 – "اغْدُ عَالِمًا، أَوْ مُتَعَلِّمًا، أَوْ مُسْتَمِعًا، أَوْ مُحِبًّا، وَلَا تَكُنِ الْخَامِسَ فَتَهْلِكَ"

(رواه البيهقي في شعب الإيمان والطبراني في معجم الأوسط)

8. Олим бўл ёки илм ўрганувчи бўл ёки эшитувчи бўл ёки шуларни севувчи бўл. Аммо буларнинг бешинчиси бўлма ҳалокатга учрайсан.

9 – جَالِسُوا الْكِبَرَاءَ، وَسَائِلُوا الْعُلَمَاءَ، وَخَالَطُوا الْحُكَمَاءَ.

(رواه الطبراني)

9. Улуғлар билан ўтиринглар, уламолардан сўранглар ва ҳақим-донишмандлар ила аралашиб юринглар.

10 - «خِيَارُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ»

(رواه الطبراني عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ، البيهقي عَنْ عُثْمَانَ بْنِ عَمَّانَ)

Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганиб, уни (бошқаларга) ўргатганларингиздир.

11 - الْكَلِمَةُ الْحِكْمَةُ ضَالَّةُ الْمُؤْمِنِ، فَحَيْثُ وَجَدَهَا فَهُوَ أَحَقُّ بِهَا.

(رواه الترمذي و ابن ماجه عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

11. Ҳикматлик сўз мўминнинг йўқотганидир, уни қаердан топса ўша нарсага ҳақлироқдир.

12 - مَنْ اغْبَرَّتْ قَدَمَاهُ فِي سَبِيلِ اللَّهِ حَرَّمَهُ اللَّهُ عَلَى النَّارِ.

(رواه البخاري والترمذي والنسائي والبيهقي وابن حبان)

12. Ким Аллоҳ йўлида икки оёғини чанг қилса Аллоҳ таоло уни жаҳаннамга ҳаром қилади.

13 - الْعُلَمَاءُ أُمَّنَاءُ اللَّهِ عَلَى خَلْقِهِ.

(رواه القُضَاعِي وَابْنُ عَسَاكِرٍ عَنْ أَنَسِ)

13. Олимлар халқи устидаги Аллоҳнинг ишончли бандаларидир.

Яъни, халқлар олимларнинг сўзларига кулоқ солиб, улар кўрсатган йўл билан юришлари зарур.

14 - قَيِّدُوا الْعِلْمَ بِالْكِتَابِ .

(رواه الخطيبُ وابن العساكر)

14. Илмни ёзиш орқали маҳкам ушланглар.

Яъни, ҳар бир эшитилган яхши сўз хотирада турмай унутиладиган бўлганидан кейин ёзиб қўйинглар! Кейин шунга қараб билиб оласизлар. Шунинг учун ҳар кимга, хусусан ўқувчиларга ўзи билан бирга ён дафтари ва қалам олиб юришга одатлантириш керак.

15 - آفَةُ الْعِلْمِ النَّسْيَانُ، وَإِضَاعَتُهُ أَنْ تُحَدَّثَ بِهِ غَيْرَ أَهْلِهِ .

15. Илмнинг офати унутиш ва лойиқ бўлмаган кишига илмни сўзлаб зое қилишдир.

Яъни: ўрганилган илмни унутмаслик ва лойиқ бўлмаган одамларга сўзлашдан сақланиш зарур.

16 - سَأَلُوا اللَّهَ عِلْمًا يَنْفَعُ، وَاسْتَعِيدُوا بِاللَّهِ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ .

(رواه ابن ماجه، والبيهقي عن جابر بن عبد الله)

16. Аллоҳ таолодан (дунё ва охиратда) фойда берадиган илмни сўраб, (на дунё, на охиратда) фойда бермайдиган илмдан Аллоҳ номи билан паноҳ тиланглар.

17 – اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ عِلْمٍ لَا يَنْفَعُ، وَعَمَلٍ لَا يُرْفَعُ، وَدُعَاءٍ لَا يُسْمَعُ.

(رواه الطبراني عن ابن عَبَّاسِ ابن حبان والبيهقي عن أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ وابن ماجه عن أَبِي هريرة)

17. Аллоҳим! Фойда бермайдиган илмдан, холис бўлмаган амалдан, қабул этилмайдиган дуодан Сенинг номинг билан паноҳ тилайман.

18 – مَثَلُ الَّذِي يَتَعَلَّمُ الْعِلْمَ ثُمَّ لَا يُحَدِّثُ بِهِ، كَمَثَلِ الَّذِي يَكْنِزُ الْكَنْزَ فَلَا يُنْفِقُ مِنْهُ.

(رواه الطبراني عن أَبِي هريرة)

18. Илмни ўрганиб, бошқаларга ўргатмаган киши кўп мол–дунё тўплаб, ундан (ҳеч нарса) сарфламаган киши кабидир.

Яъни, молни тўплаб, сарфламаслик қанчалик хунук бўлса, бу ҳам шундай хунук ишдир.

19 – مَثَلُ الْعَالِمِ الَّذِي يُعَلِّمُ النَّاسَ الْخَيْرَ وَيَنْسَى نَفْسَهُ كَمَثَلِ السَّرَاحِ يُضِيءُ لِلنَّاسِ وَيُحْرِقُ

نَفْسَهُ.

(الطبراني، عن جندب بن عبد الله)

19. Одамларга ваъз насиҳат қилиб, яхшилик ўргатсада, ўзини унутиб қўйган олимнинг мисоли ўзини кўйдириб, одамларга нур сочган чироқнинг мисоли кабидир.

20 – اللَّهُمَّ اغْنِنِي بِالْعِلْمِ وَزَيِّنِي بِالْحِلْمِ وَكْرِّمْنِي بِالتَّقْوَى وَجَمِّلْنِي بِالْعَافِيَةِ.

(أخرجه الرافعي القزويني في كتاب "التدوين في أخبار قزوين")

20. Аллоҳим! Мен илм билан бойит, ҳилм билан зийнатла, тақво билан ҳурматли қил, офият билан гўзал қил!

Иккинчи боб

Касб ва тижоратга доир

21 – طَلَبُ الْحَلَالِ وَاجِبٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ.

(رواه الطبراني عن أنس بن مالك)

21. Ҳалол ризқ изламоқ ҳар бир мусулмонга вожибдир.

Яъни, пешонамга нима ёзилган бўлса ўзи келади, деб ҳаракат қилмай бекор ётиш исломда мақбул иш эмас. Ҳар бир

одам ўзининг оиласини тўйдирадиган миқдорда касб қилиш фарздир.

22 – أُحْرُثُوا فَإِنَّ الْحَرْثَ مُبَارَكٌ وَأَكْثَرُوا فِيهِ مِنَ الْجَمَاعِمِ.
(أبو داود في مَرَايِلِهِ عَن عَلِيِّ بْنِ الْحُسَيْنِ مُرْسَلًا)

22. Деҳқончилик қилинглари, чунки деҳқончилик муборак (баракалик иш)дир.

Экканларингизга зарар етмаслиги учун қўриқчиларни кўп қилинглари.

23 – أَطْيَبُ الْكَسْبِ عَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ وَكُلُّ بَيْعٍ مَبْرُورٍ.
(أحمد، والطبراني، والحاكم، والبيهقي عن رافع بن خديج)

23. Касбларнинг энг яхшиси, кишининг ўз қўли билан қилган касбидир. Ҳамда хиёнатсиз ва ёлғонсиз бўлган савдодир.

24 – أَفْضَلُ الْكَسْبِ بَيْعٌ مَبْرُورٌ، وَعَمَلُ الرَّجُلِ بِيَدِهِ.
(أخرجه الإمام أحمد والطبراني في الكبير عن أبي برة بن نيار الأنصاري رضي الله عنه)

24. Касбларнинг энг афзали хиёнатсиз ва ёлғонсиз бўлган савдо ҳамда кишининг ўз қўли кучи билан ишлаб топган ишидир.

25 – تِسْعَةُ أَعْشَارِ الرِّزْقِ فِي التِّجَارَةِ وَالْعُشْرُ فِي الْمَوَاشِي.
(السيوطي في الجامع الصغير عن نعيم بن عبد الرحمن الأزدي معضلاً)

25. Ризқнинг ўн улушдан тўққиз улуши савдода, бир улуши чорвачилиқдадир.

26 – التَّاجِرُ الْجَبَانُ مَحْرُومٌ وَالتَّاجِرُ الْجَسُورُ مَرْزُوقٌ.
(الْقُضَاعِي عَنْ أَنَسٍ مَرْفُوعًا)

26. Кўрқоқ савдогар маҳрумдир, аммо жасоратли, кўрқмас савдогар ҳамма вақт ризқлангандир.

27 – عَنْ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «التَّاجِرُ الصَّدُوقُ الْأَمِينُ مَعَ النَّبِيِّينَ وَالصِّدِّيقِينَ وَالشُّهَدَاءِ».

(الدارمي والدار فُطَيْي وَالتِّرْمِذِي عَنْ أَبِي سَعِيدٍ)

27. Тўғрисуз ва хиёнатсиз савдогар Пайғамбарлар, сиддиқлар ва шаҳидлар билан биргадир.

28 – مَنْ بَاتَ كَالاً مِنْ طَلَبِ الْحَلَالِ بَاتَ مَغْفُوراً لَهُ.
(ابن عساکر عن أنس).

28. Ким ҳалол ризқ топаман деб, толиқиб тунаса гуноҳлари мағфират қилиниб тонг оттиради.

29 – الصُّبْحَةُ تَمْنَعُ الرِّزْقَ.

(رواه أحمد والبيهقي عن عُثْمَانَ بْنِ عَفَّانَ)

29. Тонгги уйку ризқни тўсади.

Яъни: ялқовланиб, эрта билан кишилар савдо ишлари билан машғул бўлганда ухлаб ётувчи кишилар камбағал бўладилар демакдир.

30 – اتَّخَذِ الْغَنَمَ فَإِنَّهُ بَرَكَةٌ.

(رواه ابن ماجه وأحمد)

30. Қўй боқинглар, чунки у баракадир.

31 – إِذَا سَبَّ اللَّهُ تَعَالَى لِأَحَدِكُمْ رِزْقًا مِنْ وَجْهِهِ، فَلَا يَدْعُهُ حَتَّى يَتَغَيَّرَ لَهُ.

(رَوَاهُ أَحْمَدُ وَابْنُ مَاجَهَ)

31. Сизларнинг бирингизга бирор томондан ризқ келиб туришини Аллоҳ таоло сабаб қилган бўлса, у ўзи ўзгармагунича ўша ишни тарк қилмасин.

32 – مَنْ رُزِقَ فِي شَيْءٍ فَلْيَلْزَمْهُ.

(رواه البيهقي عن أنس)

32. Ким бирор нарса билан ризқланган бўлса уни маҳкам тутсин!

(Бир кишининг бир иш, ёки касб ёки бирор савдодан ризки келиб турган бўлса, уни ташламасин шу ишида давом етсин!)

33 – أَبَشْرُ، فَإِنَّ الْجَالِبَ إِلَى سَوْقِنَا، كَالْمُجَاهِدِ فِي سَبِيلِ اللَّهِ، وَالْمُحْتَكِرُ فِي سَوْقِنَا،

كَالْمُلْحِدِ فِي كِتَابِ اللَّهِ»

(رواه الحاكم عن اليَسَعِ بْنِ الْمُغِيرَةِ مرسلاً)

33. (Халқнинг асосий эҳтиёжи тушадиган ун, гўшт, ўтин кўмир кабиларни) бизнинг бозоримизга етказиб олиб келувчилар Аллоҳ йўлида жиҳод қилувчилар кабидир. (Аммо халқнинг эҳтиёжи тушадиган нарсаларни) баҳоси қиммат бўлганда сотаман, деб йиғиб қўювчилар Аллоҳнинг китобини инкор қилувчи даҳрийлар кабидир.

34 – يُحِبُّ اللَّهُ الْعَامِلَ إِذَا عَمِلَ أَنْ يُحْسِنَ

(رواه الطبراني عن كليب بن شهاب)

34. Ишини эътибор билан чиройли бажарган кишини Аллоҳ таоло яхши кўради.

35 – مَا مِنْ مُسْلِمٍ يَزْرَعُ زَرْعًا، أَوْ يَغْرِسُ غَرْسًا، فَيَأْكُلُ مِنْهُ طَيْرٌ، أَوْ إِنْسَانٌ، أَوْ بِهِيمَةٌ إِلَّا كَانَ

لَهُ بِهِ صَدَقَةٌ»

(رواه وأحمد عن أبي الدرداء)

35. Бирор мусулмон киши экин экса ёки дарахт ўтказса ундан бирорта қуш ёки одам ёки ҳайвон еса, бу ўша мусулмон учун садақа бўлади.

36 - لَأَنْ يَأْخُذَ أَحَدُكُمْ حَبْلَهُ ثُمَّ يَغْدُو - إِلَى الْجَبَلِ - فَيَحْتَطِبَ، فَيَبِيعَ، فَيَأْكُلُ وَيَتَصَدَّقَ،

خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَنْ يَسْأَلَ النَّاسَ

(رواه البخاري في صحيحه عن أبي هريرة)

36. Сизлардан бирингиз арқонини олиб, сўнгра тоғга чиқиб, ўтин териб, кейин уни сотиб, пулини ейиши ва садақа қилиши, одамлардан тиланчилик қилиб сўрашидан яхшироқдир.

37 - إِنَّ الْمَسْأَلَةَ لَا تَحِلُّ إِلَّا لِأَحَدَى ثَلَاثٍ: دَمٍ مُوجِعٍ، أَوْ غُرْمٍ مُفْطَعٍ، أَوْ فَقْرٍ مُدْقِعٍ.

(رواه أحمد عن أنس بن مالك)

37. Тиланчилик фақат уч кишига ҳалол бўлади. Улар: хун тўловчи, оғир қарздор, ўта камбағал қашшоқ.

38 - اسْتَعِيدُوا بِاللَّهِ مِنَ الْفَقْرِ وَالْعَيْلَةِ، وَمَنْ أَنْ تَظْلِمُوا أَوْ تُظْلَمُوا.

(رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ عِبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ)

38. Камбағалликдан, муҳтожликдан, бировга зулм қилишдан ёки бировдан зулм кўришдан Аллоҳ номи билан паноҳ беришини сўранглар!

39 – اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْفَقْرِ وَالْقِلَّةِ وَالذَّلَّةِ، وَأَعُوذُ بِكَ أَنْ أَظْلِمَ أَوْ أُظْلَمَ.

(رواه البخاري في الأدب المفرد وأحمد في مسنده و أبو داود والنسائي في سننهما وابن حبان في

صحيحه)

39. Эй Роббим! Камбағалликдан, ризқнинг озлигидан хорликдан, зулм қилишдан ёки бировдан зулм кўришдан ўз паноҳингда сақлашингни сўрайман.

40 – اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ الْهُدَى وَالتَّقَى وَالْعِفَافَ وَالْغِنَى.

(رواه البخاري في الأدب المفرد ومسلم وأحمد والترمذي وابن ماجه عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ)

40. Аллоҳим! Сендан ҳидоят, тақво, поклик ва беҳожатликни сўрайман!

Учинчи боб

Мақтовли ахлоқга доир нарсалар

41 – أَفْضَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا.

(رواه أبو يعلى عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

41. Мўминларнинг энг афзали хулқи гўзал бўлгандир.

42 - أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا، أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا.

(رواه الدارمي وأحمد ابو داود والترمذي وابن حبان عن أبي هريرة)

42. Мўминларнинг иймон жиҳатидан энг комили хулқи энг гўзал бўлгандир.

43 - إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَيُذْرِكُ بِحُسْنِ خُلُقِهِ دَرَجَةَ قَائِمِ اللَّيْلِ وَصَائِمِ النَّهَارِ.

(رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ حَبَانَ عَنْ عَائِشَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا)

43. Мўмин киши чиройли хулқи туфайли кечаси ибодат билан машғул бўлиб, кундузи рўза тутганлар даражасига эришур.

44 - مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَعْينُهُ.

(رواه الطبراني والبيهقي عن أبي هريرة)

44. Фойдаси бўлмаган нарсани тарк қилиш кишининг исломи гўзаллигига далилдир.

45 - إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ مَنْ عِبَادِهِ الْعَيُّورَ.

(رواه الطبراني عن علي بن أبي طالب)

45. Аллоҳ таоло бандалари орасидан ғайратли бўлганини яхши кўради.

46 – إِنَّ اللَّهَ عَفْوٌ يُحِبُّ الْعَفْوَ

(رواه إمام الأعظم أبو حنيفة في مسنده والطبراني في الأوائل والبيهقي في سنن الكبرى عن عبد الله

بن مسعود رضي الله عنه)

46. Албатта Аллоҳ кечирувчидир, кечиримлини яхши кўради.

47 – إِنَّ اللَّهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ.

(رواه مسلم وأحمد وابن حبان والطبراني عن عبد الله بن مسعود)

47. Аллоҳ таоло гўзалдир, гўзалликни яхши кўради.

48 – إِنَّ حُسْنَ الْعَهْدِ مِنَ الْإِيمَانِ.

(رواه الحاكم والديلمي عن عائشة رضي الله عنها)

48. Ваъдаси устидан чиқиш иймондандир.

49 – لَا إِيْمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ، وَلَا دِينَ لِمَنْ لَا عَهْدَ لَهُ.

(رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ وَأَحْمَدُ وَابْنُ حَبَانَ وَالطَّبْرَانِيُّ عَنْ أَنَسِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

49. Омонатдорлиги бўлмаган кишининг иймони йўқ, аҳдига вафо бўлмаган кишининг дини йўқ.

50 - الْحَيَاءُ مِنَ الْإِيمَانِ.

(متفق عليه)

50. Ҳаё иймондандир.

51 - مَنْ لَا يَرْحَمُ لَا يُرْحَمُ.

(مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

51. Ким раҳм қилмаса унга ҳам раҳм қилинмайди.

52 - أَحَبُّ الْحَدِيثِ إِلَى اللَّهِ أَصْدَقُهُ

()

52. Сўзлар ичида Аллоҳга энг суюклиси тўғрисиدير.

53 - مَا مِنْ صَدَقَةٍ أَحَبَّ إِلَى اللَّهِ مِنْ قَوْلِ الْحَقِّ.

(البيهقي عن أبي هريرة)

53. Садақалар ичида бирортаси тўғри сўзчалик Аллоҳга суюкли эмас.

54 – إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الرَّفْقَ فِي الْأَمْرِ كُلِّهِ.

(رواه البخاري ومسلم والترمذي عَنْ عَائِشَةَ)

54. Аллоҳ барча ишда мулойимликни севади.

55 – إِنَّمَا بُعِثْتُ لِأَتَمِّمَ صَالِحَ الْأَخْلَاقِ.

(رَوَاهُ أَحْمَدُ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ)

55. Мен яхши хулқларни баркамол этиш учун (пайғамбар қилиб) юборилдим.

56 – إِذَا عَمِلْتَ سَيِّئَةً فَاتَّبِعْهَا حَسَنَةً تَمْحُهَا.

(رواه أحمد والبيهقي عن أبي ذرّ)

56. Агар (бандалигингга бориб) бирор гуноҳ содир этсанг, унинг орқасидан уни ювиб юборадиган бир яхши иш қил!

57 – لَا طَاعَةَ لِأَحَدٍ فِي مَعْصِيَةِ اللَّهِ.

(رواه أحمد والطبراني عن الحكم بن عمرو وعمران بن حصين)

57. Аллоҳ таолога осий бўлинадиган ишда бирор кишига итоат қилинмайди.

58 – استقم وليحسن خلقك للناس.

(الطبراني، والبيهقي عن ابن عمرو)

58. Тўғри йўлда юр! Одамларга хулқинг чиройли бўлсин!

59 – إِنَّ الْفُحْشَ وَالْتَّفَحْشَ لَيْسَا مِنَ الْإِسْلَامِ فِي شَيْءٍ، وَإِنَّ خَيْرَ النَّاسِ إِسْلَامًا أَحْسَنُهُمْ

خُلُقًا.

(رواه أحمد والطبراني عن جابر بن سمرة رضي الله عنه)

59. Бузуқлик ва бузуқликни қасд қилиш исломдан эмас.

Одамлар ичида исломи энг чиройли бўлган киши хулқи энг чиройли бўлганидир.

60 – اللَّهُمَّ كَمَا حَسَّنْتَ خَلْقِي فَحَسِّنْ خُلُقِي.

(رَوَاهُ أَحْمَدُ)

60. Аллоҳим! Яратилишимни чиройли қилганингдек хулқимни ҳам чиройли қил!

Учинчи боб
Ёмон хулқларга доир

61 – إِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ، فَإِنَّ الْكَذِبَ مُجَانِبٌ لِلْإِيمَانِ.

(رواه أحمد والبيهقي عن قيس بن أبي حازم)

61. Ёлғондан сақланинглар! Чунки ёлғон иймондан узокдир.

Яъни, ёлғон билан иймон иккови бир кишида жамланмайди.

62 – الْمَكْرُ وَالْخَدِيعَةُ وَالْخِيَانَةُ فِي النَّارِ.

62. Макр, алдов ва хиёнат жаҳаннамдадир.

63 – الْحَسَدُ يُفْسِدُ الْإِيمَانَ كَمَا يُفْسِدُ الصَّبْرُ الْعَسَلَ.

(رواه الدَّيْلَمِيُّ عَنْ مُعَاوِيَةَ بْنِ حَيْدَةَ مَرْفُوعًا)

63. Собр (аччиқ ўсимлик) асални қанчалик бузса ҳасад ҳам иймонни шунчалик бузади.

64 – لَيْسَ مِنِّي ذُو حَسَدٍ وَلَا نَمِيمَةٍ وَلَا كَهَانَةٍ وَلَا أَنَا مِنْهُ.

(رواه الطبراني عن عبد الله بن بسر)

64. Ҳасад қилувчи, гап ташувчи-чақимчи ва ғойбдан хабар берувчи фолбин мендан эмас, мен ҳам ундан эмасман.

65 – لَيْسَ مِنَّا مَنْ غَشَّ مُسْلِمًا أَوْ ضَرَّهُ أَوْ مَأْكْرَهُ.

(رواه الرَّافِعِيُّ عَنِ عَلِيِّ)

65. Мусулмонни алдаган ёки унга бир зарар етказган ёки унга бирор макр-ҳийла ишлатган биздан эмас.

66 – لَا تَلَاعَنُوا بِلَعْنَةِ اللَّهِ، وَلَا بَغْضِبِ اللَّهِ، وَلَا بِالنَّارِ.

(رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ عَنْ سَمُرَةَ بْنِ جُنْدَبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

66. Бир бирингиз билан “Сенга Аллоҳнинг лаънати бўлсин”, “Аллоҳнинг ғазабига дучор бўл”, “Жойинг жаҳаннамда бўлсин” каби сўзлар билан лаънатлашманглар!

67 – لَا هَجْرَ بَعْدَ ثَلَاثٍ.

(المنائوي عن أبي هريرة، حم م عن أبي هريرة)

67. Исломда уч кундан аразлашиш йўқ.

68 – مَنْ هَجَرَ أَخَاهُ سَنَةً، فَهُوَ كَسَفِكَ دَمِهِ.

(رواه البخاري في الأدب المفرد وأحمد وأبو داود عن أبي خراش السلمي)

68. Кимки биродари билан бир йил аразлашиб юрса унинг қонини тўккани кабидир.

69 – مَنْ رَمَى مُؤْمِنًا بِكُفْرٍ فَهُوَ كَفْتَلِهِ.

(رواه الطبراني عن هشام بن عامر رضي الله عنه)

69. Кимки бир мўминни сен кофирсан, деб айбласа, уни ўлдиргани кабидир.

70 – سَبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ.

(مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ)

70. Муслмонни сўкиш фосиқлик у билан уришиш кофирликдир.

71 – خَيْرُ الْمُسْلِمِينَ مَنْ سَلِمَ الْمُسْلِمُونَ مِنْ لِسَانِهِ وَيَدِهِ.

(رواه مسلم عن ابن عمرو)

71. Муслмонларнинг энг яхшиси, муслмонлар унинг тили ва қўлидан омонда бўлган кишидир.

72 – كَفَى بِالْمَرْءِ إِثْمًا أَنْ يُحَدِّثَ بِكُلِّ مَا سَمِعَ.

(رواه أبو داود وابن حبان عن أبي هريرة)

72. Ҳар бир эшитган нарсани гапиравериш кишининг гуноҳкор эканига кифоя қилади.

73 – اتَّقُوا دَعْوَةَ الْمَظْلُومِ، وَإِنْ كَانَ كَافِرًا، فَإِنَّهُ لَيْسَ دُونَهَا حِجَابٌ.
(رواه أحمد عن أنس)

73. Кофир бўлса ҳам мазлумнинг дуосидан сақланинглар!
Чунки унинг дуосининг олдида парда йўқ.

74 – إِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَسْكُتْ.
(أَحْمَدُ عَنْ ابْنِ عَبَّاسٍ)

74. Агар сизлардан бирингиз ғазабланса сукут қилсин!

75 – مَنْ انْتَهَبَ فَلَيْسَ مِنَّا.
(وَرَوَى أَحْمَدُ، وَالتِّرْمِذِيُّ عَنْ أَنَسٍ)

75. Кимки талон тарож ва босқичилик қилса биздан эмас.

76 – إِنَّ اللَّهَ يُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْمُتَفَحِّشَ.
(رواه ابن حبان عن أسامة بن زيد)

76. Сўзида фаҳш бўлган ва ўзига фаҳшни лозим кўрган кишига Аллоҳ ғазаб қилади.

77 – إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْزِلَةً عِنْدَ اللَّهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، مَنْ يَخَافُ النَّاسُ شَرَّهُ.

(رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ)

77. Қиёматда Аллоҳнинг олдида манзилати энг ёмон бўлган киши бу дунёда одамлар унинг ёмонлигидан кўрққан кишидир.

78 – مَنْ أَحَبَّ أَنْ يَتَمَثَّلَ لَهُ الرَّجَالُ بَيْنَ يَدَيْهِ قِيَامًا فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ.

(رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ عَنْ عَمْرِو بْنِ مُرَّةَ الْجُهَيْيِّ)

78. Ким, одамлар уни кутиб олишганида ҳурмат юзасидан тик туришларини яхши кўрса жойини дўзахдан тайёрлаб қўяверсин!

79 – الْبَلَاءُ مُوَكَّلٌ بِالْمَنْطِقِ.

(رَوَاهُ الْقِضَاعِيُّ عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

79. Бало айтилган сўзга юклаб қўйилгандир.

Яъни, одамнинг бошига ҳар қандай бало келса тили орқали гапирган сўзидан келади.

80 - اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْهَمِّ وَالْحَزَنِ، وَالْعَجْزِ وَالْكَسَلِ، وَالْبُخْلِ، وَالْجُبْنِ، وَضَلَعِ

الدَّيْنِ، وَغَلَبَةِ الرِّجَالِ.

(متفق عليه)

80. Аллоҳим! Сенинг номинг билан қайғу-ҳасратдан, хафаликдан, ожизлик ва ялқовликдан, бахиллик ва кўрқоқликдан, қарзнинг оғирлигидан ва ноҳақ одамларнинг ғолиб бўлишидан ўз паноҳингда сақлашингни сўрайман.

Бешинчи боб

Одамлар билан чиройли муомала қилиш ва ўзаро дўст бўлишга доир

81 - خَيْرُ النَّاسِ أَنْفَعُهُمْ لِلنَّاسِ.

(رواه القُضَاعِي عَنْ جَابِر)

81. Одамларнинг энг яхшиси одамларга энг манфаатли бўлгандир.

82 - أَحَبُّ لِلنَّاسِ مَا تُحِبُّ لِنَفْسِكَ.

(رواه أحمد والطبراني والبيهقي عن يزيد بن أسد)

82. Ўзинг учун раво кўрган нарсани бошқа кишилар учун ҳам раво кўр!

83 – الْعَبْدُ مَعَ مَنْ أَحَبَّ.

(رواه أحمد عن جابر)

83. Банда (Қиёмат куни) ўзининг яхши кўрган кишиси билан биргадир.

84 – مَنْ أَحَبَّ قَوْمًا حَسَرَهُ اللَّهُ فِي زُمْرَتِهِمْ.

(رواه الطبراني عن أبي قريظة)

84. Ким қайси қавмни яхши кўрса Аллоҳ (қиёмат куни) уни ўша қавм ичида тирилтиради.

85 – مُدَارَاةُ النَّاسِ صَدَقَةٌ.

(رواه ابن حبان والطبراني والبيهقي عن جابر بن عبد الله)

85. Одамлар билан муроса қилиш садақадир.

86 – أَنْزِلُوا النَّاسَ مَنَازِلَهُمْ.

(رواه أبو داود عن عائشة)

86. (Ҳар бир кишига ўзининг даражасига қараб ҳурмат) ўзига муночиб жойга ўтқазинглар.

87 – زُرْ غِبًّا تَزِدُّ حُبًّا.

(رواه أبو داود والطبراني والبيهقي عن أبي هريرة)

87. (Қариндош ва дўстларингни) камроқ зиёрат қил, шунда муҳаббат ортади.

Изоҳ: Ҳар кун зиёрат қилиб кўришилаверса кўнгил қайтиб, муҳаббат камая бошлайди.

88 – أُوصِيكُمْ بِالْجَارِ.

(رواه الطبراني عن أبي أمامة)

88. Сизларга қўшниларингиз билан яхши муносабатда бўлишингизни васият қиламан.

89 – لَيْسَ الْمُؤْمِنُ الَّذِي لَا يَأْمَنُ جَارُهُ بَوَائِقَهُ.

(رواه الطبراني عن طلق بن عاري)

89. Қўшниси унинг ёмонлигидан хотиржам бўлмаган киши ҳақиқий мўмин эмас.

90 – إِنَّ الْمُتَحَابِّينَ فِي اللَّهِ فِي ظِلِّ الْعَرْشِ.

(رواه الطبراني عن معاذ بن جبل)

90. Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб дўстлашганлар Қиёмат куни аршнинг соясида бўладилар.

91 – أَفْضَلُ الْأَعْمَالِ بَعْدَ الْإِيمَانِ بِاللَّهِ التَّوَدُّدُ إِلَى النَّاسِ.
(رواه الطبراني عن أبي هريرة)

91. Аллоҳга иймон келтиргандан кейинги амалларниг энг афзали одамлар билан дўстона муносабатда бўлишдир.

92 – أَفْشُوا السَّلَامَ بَيْنَكُمْ تَحَابُّوا.
(رَوَاهُ الْحَاكِمُ عَنْ أَبِي مُوسَى)

92. Ўз ораларингизда саломни ёйинглар, шунда бир-бирингизни билан муҳаббатли бўласизлар.

93 – رُدُّ جَوَابِ الْكِتَابِ حَقٌّ كَرَدَ السَّلَامِ.
(رواه أبو نعيم عن أنس)

93. Мактубга жавоб ёзиш саломга алик қайтариш каби мажбуриятдир.

94 – أَنَّ اللَّهَ يُبْغِضُ الْمُعْبَسَ فِي وُجُوهِ إِخْوَانِهِ.

(رَوَى الدَّيْلَمِيُّ فِي مُسْنَدِ الْفِرْدَوْسِ عَنْ عَلِيِّ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

94. Биродарларининг олдида пешонасини тириштириб, қовоғини солиб турувчи кишидан Аллоҳ ғазабланади.

95 – إِنَّ اللَّهَ تَعَالَى يُحِبُّ إِغَاثَةَ اللَّهْفَانِ.

(رواه ابن عساكر عن أبي هريرة)

95. Ночор аҳволга тушиб қолган кишиларга ёрдам бергани албатта Аллоҳ яхши кўради.

96 – بئسَ القَوْمُ قَوْمٌ لَا يُنْزِلُونَ الضَّيْفَ.

(رواه البيهقي عن عقبه بن عامر)

96. Меҳмонни қабул қилмасдан ҳурмат қилмаган қавм бунча ҳам ёмон қавмдир.

97 – مَنْ بَرَّ وَالِدَيْهِ طُوبَى لَهُ، زَادَ اللَّهُ فِي عُمْرِهِ.

(رواه البخاري في الأدب، والطبراني، والحاكم عن أنس)

97. Ота онасига яхшилик қилиб (уларнинг розилигини топишга ҳаракат қилган) кишига яхшилик бўлсин, Аллоҳ умрини зиёда қилсин!

98 – الْمُؤْمِنُ لِلْمُؤْمِنِ كَالْبُنْيَانِ يَشُدُّ بَعْضُهُ بَعْضًا.
(مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ عَنْ أَبِي مُوسَى رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

98. Мўмин мўмин бир бирини ушлаб турадиган бино кабидир.

Изоҳ: Бинодаги ёғоч ва ғиштлар бир бирини қандай ушлаб турса, мўминлар ҳам бир бирларини шундай қувватлашлари лозим.

99 – الْمُسْلِمُونَ إِخْوَةٌ لَا فَضْلَ لِأَحَدٍ عَلَى أَحَدٍ إِلَّا بِالتَّقْوَى.
(رَوَاهُ الطَّبْرَانِيُّ)

99. Муслмонлар хаммаси бир бири билан биродардир. Бирининг биридан афзаллиги фақат тақво биландир.

100 – اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ عَيْشَةً رَقِيَّةً، وَمَيَّةً سَوِيَّةً، وَمَرَدًّا غَيْرَ مُنْخَرٍ وَلَا فَاضِحٍ
(الطبراني عن عبد الله ابن عمرو)

100. Мен сендан покиза ҳаётни, роҳатли ўлимни, охиратда хор ва шарманда бўлмасликни сўрайман.